

АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдулхаева Шаҳноза Мухаммадиевна

ДТПИ ўқитувчиси

ТДИУ докторанти,

Ахмедов Бариддин Ҳайдарович

ДТПИ ўқитувчиси

Аннотация: Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида акциз солиғини тўловчилар, акциз солиғи объекти, акциз солиғини ҳисоблаш тартиби ва янги намунадаги акциз маркалари моҳияти ва намуналари ёритилган бўлиб акциз солиғи ҳисоблашда фўйдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: Акциз, солиқ, солиқ тўловчилар, объект, акциз маркалари, солиқ стакаси, солиқ карзи, давлат бюджети, товар, маҳсулот, импорт, экспорт

Даромаддан тўланадиган эгри солиқ акциз солиғи ҳисобланади. Акциз солиғи эгри солиқ ундиришнинг дастлабки шаклларида биридир. Ҳозирги вақтда акциз солиғи деярли барча мамлакатлар солиқ тизимларида давлатнинг молиявий ресурсларини шакллантириш мақсадида қўлланилади. Эгри солиқлар сифатида акциз солиғи ҳам давлат бюджетини шакллантириш манбаларидан биридир.

Расмий равишда, акциз солиғи тўловчиси акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона ташкилотдир, лекин унинг ҳақиқий тўловчиси маҳсулот сотиб олишда акциз солиғини тўлайдиган истеъмолчи бўлади. Шунинг учун ҳам, акциз солиғи ҚҚС каби ҳам қиймат омили ҳисобланади¹.

Акцизлар солиғи фақат айрим товарларни истеъмол қилиш учун олинади. Акциз солиғининг ҚҚС дан фарқи шундаки, уларнинг ҳар бири учун турли ставкалар белиганиб акциз тўланадиган тўловни ишлаб чиқарувчи томонидан бюджетга бир марта ўтказилади.

¹ Камалян, А.К. Система косвенного налогообложения как механизм государственного регулирования АПК: Монография / А.К. Камалян. – Воронеж: ФГОУ ВПО ВГАУ, 2009. – С. 31.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ кодексига асосан қуйидагилар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;
- 2) табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар;
- 3) бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади;
- 4) оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчилар;
- 6) телекоммуникация мобил алоқа хизматларини (акциз тўланадиган хизматларни) кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;
- 7) Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари². Солиқ базаси белгиланган солиқ ставкаларига қараб акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади. Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) сўммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг)

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири) хі бўлим. 40-боб, 283-модда.
<https://lex.uz/m/acts/4674902>

қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда аниқланади.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган. Солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Четдан олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар учун

фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади³.



1-расм. Акциз солиғининг хусусиятлари⁴.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти бошқа солиқлардан фарқли ўлароқ унинг истеъмол қилинадиган товарнинг ўзига хос (салбий) фойдалилиги хусусиятига боғлиқ. Акциз солиғи истеъмолнинг салбий оқибатларини бартараф этадиган муаммолар ҳал қилишни керак.

³ Ўша ерда

⁴ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

Иқтисодий адабиётларда акциз солиғининг фискал йўналиши батафсил баён қилинган. Бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида эгри солиқ товар нархига киритилган ва юқори рентабелли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан юқори фойда олади. Тарихан солиқнинг биринчи вужудга келган шаклларида бири акциз солиғи узок вақт давомида фискал мақсадларга тўлиқ жавоб берди. Шу таъкидлаш керакки, жамият тараққиёти билан, рақамли иқтисодиёт шароитида акцизларнинг мақсадли функцияси сезиларли равишда ўзгаришлар кузатилмоқда.

Э.Н.Голик фикрига кўра, акцизнинг солиғининг ўзига хос хусусиятларини унинг иқтисодий моҳиятини тавсифловчи ички муносабатлар орқали ёритилади. Муаллиф акциз солиғини истеъмол қиймати ва унинг сифати билан ўзаро боғлиқлигини исботлайди, яъни акциз солиғи тўланадиган товарларнинг салбий фойдалилик даражаси ва қимматлиги, фойдалилик ва қийматнинг ички қарама-қаршиликлари бирлигини белгилайди⁵. Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, акциз солиғи салбий таъсир кўрсатадиган товарларни истеъмол қилишни чеклаш учун мўлжалланган. Акциз солиғи бундай маҳсулотларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, акциз солиғи фақатгина талабни чеклаб қолмай, балки акциз тўланадиган маҳсулотларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатларини олдини олишда молиявий ёрдам кўрсатиш, давлат бюджети даромадларини ошириш учун ҳам қўлланилади.

Давлат бюджетини ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобига барқарор шакллантириш имконини беради. Улар унлирилиш қулай, улар ҳақиқатда товар реализация қилинган вақтда истеъмолчи томонидан тўланади. Акциз солиғи тўланадиган товарларга ҚҚС қиймат даражасига энг юқориа таъсир чунки акциз тўланган тўлангандан кейин қўшилган қиймат солиғи ставкаси қийматга нисбатан қўлланилади. Бу эгри солиқларни жиддий равишда ошишига олиб келади. Корхоналарнинг молиявий натижалари шаклланишига эгри солиқларнинг таъсири равшан, чунки сотиш нархининг ошиши билан солиқ миқдори истеъмолчиларнинг самарали талабини камайтиради ва бу ўз навбатида таъминотга салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, агар товар баҳоси эгри солиқларн ҳисобига жуда ошса, у ҳолда талаб камайди,

⁵ Голик, Е.Н. Налоги и косвенное налогообложение: учебное пособие. / Е.Н. Голик. – Ростов-н/Д.: ООО «Мини Тайп», 2011. – С. 50; 57.

шунингдек харидорларнинг бир қисми ўрнини босувчи маҳсулотларга ва бошқа қисми эса ишлаб чиқарувчиларнинг ўхшаш маҳсулотларга ўтиши билан камаяди Хўжалик юритувчи субъектлар истеъмолчиларни сақлаш, ҳамда бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларини бажариш учун ўз файдасини камайтириб нарх даражасини чеклашга мажбур бўлади⁶.

⁶ Тюпаков, Н.Н. Формирование налогового механизма распределения добавленной стоимости: теория, методология, практика: монография / Н.Н. Тюпакова. – Краснодар: КубГАУ, 2012. – С.151